

Мамлакатимизда жиноят ишлари бўйича тергов судьяси лавозими жорий этилади

«Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончлиҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони (ПФ-89-сон, 10.06.2024 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2025 йил 1 январдан:

- жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувдаврида процессуал қарорларга санкция беришмасаласи жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар – тергов судьяларитомонидан кўриб чиқилиши тартиби жорий этилади;
- жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларидатергов судьяси лавозими киритилади;
- жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувдаврида тергов судьяси томонидан процессуал қарорларга берилган санкциялар фақатгина апелляция инстанциясида Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкентшаҳар судлари, Ўзбекистон ҳарбий суди томонидан яқка тартибда қайта кўриб чиқилиши тартиби белгиланди;
- тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилади;
- тергов судьялари томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юқори инстанцияларда қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш тергов судьяси фаолиятининг асосий ўналишларидан бири этиб белгиланди.

Фармонга мувофиқ, тергов судьяси лавозими учун штат бирликлари судларнинг мавжуд штат бирликлари ҳамда 2025-2027 йиллар учунажратиладиган қўшимча штат бирликларихисобига шакллантирилади.

Сурхондарё вилоят жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси
Ж.Худойбердиев